Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 6 июль 1973 йил, жума ✦ № 157 (15.631). ✦ Баҳоси 2 тийин.

НАМАНГАН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

НАМАНГАН, 5 июль. (ЎзТАГ). Тўрақўрғон районининг «Ўзбекистон» колхозида бугун Наманган область қишлоқ хўжалик ходимларининг партия ва совет активлари иштирокидаги кенгаши бўлди. Беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида қишлоқ хўжалиги соҳасида қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ва шу мажбуриятларни сўзсиз амалга ошириш тадбирлари, тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов ахборот берди.

Кенгаш қатнашчилари областнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнатчиларига мурожаатнома қабул қилдилар, бу мурожаатномада ғўза, маккажўхори, шоли ва бошқа экинларни парвариш қилишни кучайтириш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги энг зарур ишларни ўтказишнинг конкрет вазифалар белгиланди. Наманган деҳқонлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Ватанга 450 минг тонна пахта берадилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчиларининг қарсаклари остида ўртоқ Рашидов СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг Қизил байроғини топширди. Область 1972 йилда қишлоқ хўжалиги ҳамма тармоқларини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун шу байроқ билан мукофотланган эди.

ЎҚИТУВЧИ — МУРАББИЙ

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ, «партия билан, унинг идеялари билан чамбарчас боғланиши лозим бўлган, партиянинг руҳи билан суғорилиши, ишчилар оммасини ўзига тортиши лозим бўлган, ишчиларни коммунизм руҳида тарбиялаши, коммунистлар қилаётган ишларга уларни қизиқтириши лозим бўлган педагог — муаллим ходимларнинг янги армиясини тарбиялаш» вазифасини кун тартибига энг муҳим масала қилиб қўйган эди.

Партиямиз, Совет давлати доҳийнинг бу васиятини қай тарзда амалга оширганлигини бизнинг республикамиз мисолида ҳам яқкол кўриш мумкин. Ҳозир Ўзбекистонда 7 мингдан зиёд умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда меҳнаткашларнинг 3 миллион 400 минг фарзандига 175 мингдан зиёд ўқитувчи фан асосларини қунт, билимдонлик ва сабр-бардош билан ўргатмоқдалар.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида, КПСС XXIV съездининг оламшумул қарорларини амалга ошираётган бизнинг мамлакатимиз ниҳоятда катта иқтисодий, социал, сиёсий вазифаларни ҳал этмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бу улкан вазифаларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада тарбиявий иш билан, бинобарин, мактабнинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Маълумки, хоҳ ўрта, хоҳ олий мактабда бўлсин, асосий фигура — ўқитувчидир.

Аслида ҳам, серқирра ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида бўлганидек, ишнинг муваффақиятини оқибат-натижада илм ва илғор ғоялар билан қуролланган одамлар ҳал қилади. Демак, мактаб ишининг муваффақиятини таъминлаш, маънавий пок, ижтимоий бақувват, сиёсий етук, фикр доираси кенг кишиларни вояга етказиш совет педагогининг партия, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир касб фахрли, ардоқли, эътиборли, шарафли. Чунки ҳар бир совет кишиси қаерда ва қандай лавозимда ишлаши, меҳнат қилишидан қатъий назар, жамиятга, халққа фойда етказишга интилади. Лекин бизда мактаб муаллими — халқ ниҳоятда эҳтиёт қилган касбларнинг бири ҳисобланади. Одамлар ўз меҳнати, кураши билан юртни обод, элни фаровон этади. Бироқ, совет ўқитувчисининг меҳнати шунинг билан қимматли ва қадрлики, у одамнинг ўзини, яъни шахсни, жамиятнинг бебаҳо бойлиги, партиянинг олтин фонди бўлиб етишадиган кадрларнинг илк дунёқарашини шакллантиради. Ҳаётбахш идеяларни ёш авлоднинг онгига сингдириб, уни моддий кучга айлантиради. Истиқбол эгалари — ёшлар онгида ва дилида қаҳрамонлик, эзгулик, ростгўйлик, инсонийлик, жасорат, коллективизм, ватанпарварлик, интернационализм, садоқат, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш каби олижаноб инсоний фазилатларнинг қуртаги ўқитувчи раҳнамолигида мактабда яққол ёзади. Чунки ўқувчи ўз ҳаётининг энг навқирон ва жўшқин йилларини бевосита ўқитувчи раҳбарлигида ва таъсирида мактабда ўтказади. Шунинг учун ҳам муаллимдан ҳаёт алифбосини ўрганган ҳар бир киши у ишчими, ёки колхозчими, олимми ёки космонавтми, ёзувчими ёки рассоми, ким бўлиб етишмасин биринчи муаллимларини — ҳаётнинг биринчи сабоғини берган устозини, бир умрга қадрдон бўлиб қолган жонажон мактабини, ҳаётнинг энг қувончли дамларини ҳам, энг ташвишли онларини ҳам албатта эслайди. Ўқитувчи замонларни бир-бирига боғлайди, у бўғинлар занжиридаги бир олтин халқадир, у ҳозирги замон эстафетасини келажакка олиб беради, деб бекорга айтилмаган.

Ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида таъкидланганидек, устоз ўз ўқувчиларига бутун билимини, илм хазинасини бахшида этади. Агар ўқитувчи нучсиз бўлса, унинг ўзидаги билимлар фан тараққиётидан орқада қолаётган бўлса, унинг заифлиги ўқувчилар орқали келажакка ўтаверади. Бундан ҳам ёмонроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Айни вақтда яхши ўқитувчи ўзини, ўз билимларини, ўзининг энг яхши фазилатларини шогирдларнинг қалби ва онгида давом эттиради.

Ўқитувчи билим машъаласи, одоб нурини ўқувчиларига сингдиради, халқдаги, ҳаётдаги, фандаги энг яхши фазилатлар, тажриба ва ютуқларни олиб, мисли уммондай ўзига сингдираверади. Демак, яхши муаллим айни вақтда энг яхши ўқувчи ҳам бўлмоғи керак.

Совет халқ маорифининг ташкилотчиларидан А. В. Луначарский ўқитувчининг ўз-ўзини тарбия қилишига жуда катта аҳамият бериб: «Педагог ўқиши керак, лекин ўқита туриб, ўқиши керак... У ана шундай қилганида кун сайин нуроний, пок, коммунистик жиҳатдан аҳлоқли бўлиб боради» — деган эди. Бу борада совет халқ маорифининг кенса авлодига мансуб бўлган Н. К. Крупская, А. С. Макаренко, С. Г. Шацкий, В. А. Сухомлинский, Ҳамза, Т. Н. Қори-Ниёзий каби кўплаб педагоглар меҳнатда, ҳулқ-атворда, ўз бурчларига садоқатда ҳар бир ўқитувчи учун доимо ибрат бўла оладилар.

Истиқбол эгалари — ёшларнинг таълим ва тарбиясига ўз умрини бағишлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари тошкентлик Оқилхон Шарафуддинов, самарқандлик марҳума Маҳкам Нарзиқулова, қўқонлик Юсуф Усмоновларнинг педагогик фаолияти «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак», ўқитувчи ўқувчи учун инсон камолотининг олий намунасидир, ўқитувчи ёш ниҳолдан ҳақиқий инсон яратади, деган доно фикрларнинг амалий исботидир.

Республикамизда ўз соҳасининг билимдони, болаларни тарбиялаш мураббий шахсига боғлиқ эканлигини юракдан ҳис этиб, юракдан ишлаётган педагогларимиз жуда кўпчиликни ташкил этади. Афсуски, ўқитувчи деган ном ниҳоятда мўътабар, муқаддас, инсон ҳаётининг тўла тақдири тарбиячининг измида эканлигини чуқур тушуниб етмаётган, бу соҳага қалб амри ва виждон даъвати билан, ғоявий майл ва рағбат билан эмас, балки фақат тириқчилик воситаси сифатида қараб, тасодифан кириб қолган кишилар онда-сонда бўлса-да, учрамоқда. Улар ўқитувчи номига доғ туширимоқдалар, ахлоқсизлиги, лоқайдлиги, пассивлиги, ноқобиллиги туфайли эл-юрт олдида бебурд бўлиб қолмоқдалар, ёш ниҳолларнинг бегубор ва мурғак қалбига озор етказмоқдалар.

Бундай тоифадаги «педагог»лар ўз ғоявий-сиёсий билимларини муттасил ошириб бормаётганлар, ўрганишнинг энг тўғри ва турмуш синовидан ўтган ишончли йўли — шахсий мутолаа эканлигини унутиб қўйишмоқда. Улар сабр-бардош билан на бадиий, на илмий адабиётни, на вақтли матбуотни ўқийдилар.

Улар қачонлардир олган дипломларини рўпарасига қиладилар. Бундайлар бўш вақтлари, меҳнат отпускаларини маданий ҳордиқ чиқариш, ўзларининг профессионал ва сиёсий билимларини ошириш учун эмас, шахсий бойлик орттириш учун шаҳарма-шаҳар сафарбот ва мевалар сотиб, чайқовчилик қилишади, ичиликка ружу қилмоқдалар. Айримлари андишани унутиб, ўзининг собиқ ўқувчиси билан «улфатчилик» қилмоқда, баъзи олий ўқув юртларида эса маънавий жиҳатдан тубанлашиб, ҳатто ўз талабасига «севгимуҳаббат» изҳор қилиш даражасига бориб етадиганлар ҳам учрамоқда. Тўғри, бундайлар эртами-кечми тегишли жазосини олмоқда, лекин бундайларга нисбатан баъзан мурасасозлик қилинмоқда.

Ҳаммага аёнки, саноат корхонасида тайёрланган ҳар қандай маҳсулотни қўшимча вақт ва маблағ ҳисобига бўлсада, ўз ҳолига келтириш мумкин. Аммо, маънавий мажруҳ, тарбияси бузилган кишиларни қайта тарбиялаш ниҳоятда оғир ва узоқ давом этадиган машаққатли юмушдир. Бундайларнинг хатти-ҳаракати, номатлуб қилмишлари қанчалик тез ва принципиаллик билан, юз-хотирсиз фош этилса, бундан фақат умум ишига наф етади.

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқда совет ўқитувчилари билан бир қаторда врачлар, агрономлар, механизаторлар, умуман, зиёлиларнинг катта армияси камол топди. Аммо ҳозирги кунда ҳам ўқитувчилар қишлоқ зиёлиларининг етакчи ва жанговар отряди, қишлоқдаги асосий маданий куч, партиянинг мустаҳкам таянчи ҳисобланади.

Баъзилар совет ўқитувчиси — идеология фронтининг актив ғоявий-сиёсий жангчиси эканлигини унутиб қўяётирлар. Улар жамоат ишларида фаол қатнашиш у ёқда турсин, ўз касбига енгилтаклик ва масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Масалан, Чироқчи районидаги Крупская номли мактабда ўзибўларчилик кайфияти оқибатида аҳвол шунга бориб етганки, аксарият ўқитувчилар дарсларга мунтазам равишда план-конспект ёзмай, ҳеч бир тайёргарликсиз келаверишган. Қарши шаҳридаги Ленин номли мактабнинг 10-синфида математикадан ўтказилган ёзма ишда 33 ўқувчидан 22 нафари қониқарсиз баҳо олган, Чироқчи, Деҳқонобод, Қамаши районларидаги айрим мактабларнинг ўқитувчилари ўқувчилар билимига ошириб баҳо қўйишдек нобоп йўлга ўтиб олишган. Бундай мисолларни ҚҚАССР ва республикамизнинг бошқа областларидан ҳам келтириш мумкин.

Мактабда таълим-тарбия ишининг сифати ва самараси биринчи навбатда ўқитувчи кадрларга боғлиқ бўлишига қарамай, ҳали бирталай мактабларда уларнинг сафи етарли мустаҳкамланмаган, айниқса расм, жисмоний тарбия, ашула ўқитувчилари етишмаётганлиги сабабли бу фанларни мутахассис бўлмаган тасодифий кишилар ўқитиши ҳоллари мавжуд. Бу масала ва ўқитувчиларни аттестациядан ўтказишдек муҳим ва жиддий вазифа билан маориф органлари конкрет шуғулланадиган вақт етди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев айтганидек, «Мактаб иши — партия, давлат иши, дейлик. Бу хусусда ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ. Лекин шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўқитувчи, мактаб директори қандайдир бир вақт ичида ўз эҳтиёжлари ва ўз ташвишлари билан ўзи овора бўлиб қолади. У мана шундай вақтларда диққат ва эътибор талаб бўлиб қоладигўз ишлари тўғрисида эслатишга мажбур бўлади. Ваҳолонки, партия ташкилотлари, совет органларимиз ва касаба союзлари муаллим қачон эшик тақиллатиб келишини кутиб ўтирмасдан, ўзлари муаллимлар билан фақат йиғилишларда ва мажлислардагина эмас, шу билан бирга кундалик ҳаётда ҳам янада яқинроқ бўлиши кераклигини ҳис қилсалар яхши бўлур эди».

Бизда таълим ва тарбия иши бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам айни вақтда ўқитувчи ёшларнинг маънавий мураббийси, устози ҳисобланади. Вазифа — партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифини янада ривожлантириш, ўқитувчиларнинг турмуш шароитини тинмай ошириш ҳақида қилаётган оталарча ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришдан иборатдир.

Кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан қизғин кутиб олиниб, атрофлича муҳокама қилинаётган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисида қонунларининг Асослари лойиҳасида қўйилган юксак талабларга ҳар бир ўқитувчининг оғишмай амал қилишига эришиш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, халқ маорифи органларининг биринчи галдаги вазифасидир.

БАЛИҚЧИ районидаги «Правда» колхозида маккажўхори парвариши қизғин бормоқда. Ҳам дон, ҳам озуқа учун экилган маккажўхорининг ривожи баланд. Колхоз маккажўхори корлари гектаридан 50 центнердан дон, 800 центнердан кўкпоя етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Х. Бозоров ва сувчи Мирзақулов маккажўхорининг ривожини нўздан кечираётирлар.

У. Раҳимов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Бурятия область комитетига Бурятия Автоном Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Бурятия АССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Бурятия ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини шонли сана — Бурятия Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг эллик йиллиги ва у Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан қизғин табриклайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бурятларнинг тақдирини тубдан ўзгартирди, чор Россиясининг бошқа халқлари қатори бурятларни ҳам социал ва миллий зулмдан озод қилди, сиёсий ҳуқуқсизликка чек қўйди, кўп-асрлик қолоқликни бартараф этиш, давлат, хўжалик ва маданий қурилишни ташкил этиш учун чексиз имкониятлар очиб берди.

Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқининг ва Ватанимиздаги бошқа халқларнинг бегараз қардошлик ёрдами туфайли Бурятия қатта ва шонли тарихий йўлни босиб ўтди. Бурятия меҳнаткашлари Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашда, Улуғ Ватан уруши даврида душманни тор-мор қилишда актив қатнашдилар. Россиянинг ўтмишдаги қолоқ миллий чекка ўлкаси бўлган Бурятия Советлар мамлакатининг Шарқидаги йирик ва иқтисодий районларидан бирига айланди. Республикада кўп тармоқли саноат вужудга келтирилди. Машинасозлик ва приборсозлик, конруда, ўрмон-химия, енгил ва озиқ-овқат саноати юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Кенг миқёсда капитал қурилиш олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги гўшт, сут, тухум жун ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳамда давлатга сотишни йил сайин кўпайтирмоқда. Республика меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун муваффақиятли равишда курашмоқдалар.

Бурятия аҳолисининг маданияти ва турмуши тубдан ўзгарди. Энди Бурятия АССР ёппасига саводхонлар ўлкаси бўлиб қолди. Бу ерда кўпдан-кўп мактаблар ва маданий оқартув муассасалари барпо этилган, ўнлаб олий мактаблар ва техникумлар, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг филиали ишлаб турибди. Ишчилар синфи, миллий зиёлиларнинг кўпдан-кўп кадрлари—олимлар, инженерлар ва техниклар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар ва врачлар тарбияланиб, воя етказилди. Миллий адабиёт ва санъат анча ривож топди. Республика меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги мислсиз ўсди.

Бурятия АССР меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари — КПСС ленинча миллий сиёсати, совет ижтимоий ва давлат тузуми, социалистик Ватанимиздаги тенг ҳуқуқли халқларнинг дўстлиги, интернационал дўстлиги ва қардошлиги тантанасининг ёрқин далилидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Бурятия АССР меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида экономика ва маданиятни янада юксалтириш учун бундан буён ҳам қунт билан курашаверадилар, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришаверадилар.

Яшасин Бурятия Автоном Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин Ватанимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодатининг мустаҳкам қалъаси! — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин совет халқини Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БУРЯТИЯ АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бурятия АССР меҳнаткашлари коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва республика ташкил топган кунга 50 йил тўлганлиги муносабати билан **Бурятия Автоном Совет Социалистик Республикаси Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил 4 июль.

СУРИЯ РАҲБАРЛАРИГА ТАБРИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Сурия Араб Республикасининг Президенти, Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари Ҳафиз-ал-Асадга ва Сурия Араб Республикасининг бош министри Маҳмуд-Ал-Айюбийга телеграмма йўллаб, мамлакат ҳаётидаги шонли воқеа — Фрот дарёсининг ўзани бўғилиши муносабати билан самимий қутловлар йўлладилар.

ҚҚАССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС, 5 июль. (ЎзТАГ). Бугун Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Автоном республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Кинбоевнинг табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда Қорақалпоғистон табиий ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида қилган доклади, шунингдек автоном республика молия министри Ж. Муятдиновнинг Қорақалпоғистон АССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди.

Депутатлар Олий Совет соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиясининг ҳисоботини тинглидилар. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин иштирок этди.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ БОЛГАРИЯДА БЎЛИШИ

СОФИЯ, 4 июль. (ТАСС). Бугун «Враня» саройида Н. В. Подгорнийга Софиядаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари таништирилди.

Н. В. Подгорний ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар тушдан кейин болгар халқининг улуғ фарзанди, изчил марксчи-ленинчи, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг буюк арбоби, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти Георгий Димитров мавзолейини зиёрат қилдилар.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Г. Димитров мавзолейига гулчамбар қўйдилар. Тантанали маросим чоғида фахрий қоровул саф тортиб турди.

Болгария халқи совет жангчиларига миннатдорлик юзасидан Софиядаги озодлик паркида халоскор Совет Армияси шарафига монумент ўрнатди. Н. В. Подгорний шу монумент зинапоялари устига гулчамбар қўйди. Гулчамбар лентасига «Совет ва болгар халқларининг озодлиги учун олиб борилган жангларда ҳалоқ бўлган қаҳрамон совет жангчилари»га, деб ёзилган.

* * *

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар фашизмга қарши курашда ҳалоқ бўлган болгар қаҳрамонлари ёдгорлигига ҳам гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбар қўйиш маросимида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг биринчи ўринбосари К. Тричков, БКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, БКП София шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. Иорданов, София шаҳар халқ Совети ижроия комитетининг раиси И. Панев, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.

СОФИЯ, 4 июль. **(ТАСС махсус мухбирлари).** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков ҳузурида бўлди. Самимий вазиятда дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Шундан кейин БХР Давлат кенгаши залида Н. В. Подгорнийга ва унинг ҳамроҳларига Болгариянинг олий мукофотларини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг фармонига биноан мамлакатнинг олий мукофоти — Георгий Димитров ордени билан тақдирланди. Шу ҳақдаги фармонда «Болгария — Совет дўстлигини мустаҳкамлашга ва БХР билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашда актив қатнашганлиги, учун» Н. В. Подгорний мазкур мукофот билан тақдирланганлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўртоқ Тодор Живков ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида Н. В. Подгорнийга ордени тақдим қилади ва уни қардошларча қучади. У Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонни юксак мукофот билан самимий табриклайди.

Болгария билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда, Тинчлик программасини амалга оширишда Н. В. Подгорний катта ҳисса қўшганлигини айтиб, Т. Живков БКП Марказий Комитети, БХР Давлат кенгаши ва Министрлар Совети номидан СССР Олий Совети Президиумининг Раисига бизнинг умумий улуғ ишимиз — коммунизм ғалабаси йўлидаги фаолиятида янги-янги муваффақиятлар тилади.

Н. В. Подгорний Совет Иттифоқидан келган ўртоқларни Болгария Халқ Республикаси орденлари билан мукофотлаганликлари учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Болгария Давлат кенгашига ва ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилди.

Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида қардошларча алоқа бизнинг халқларимиз учун уларнинг тинчлик ва социализм йўлида олиб бораётган умумий курашида ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Коммунистик партия, барча совет кишилари дўстлигимизни кўз қорачиғидай авайлаб асрайдилар ва уни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш учун кучларини аямайдилар.

Н. В. Подгорний болгарияликдўстларни ишонтириб айтдики, совет халқи олижаноб вазифа — социалистик интернационализмнинг, коммунизм порлоқ идеалларининг тантанаси йўлида заҳмат ва ғалаба учун ишлаётган Болгария мукофотларини топшириш маросимида БХР давлат кенгаши раисининг биринчи ўринбосарлари Г. Трайков ва К. Тричков, БХР Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар ҳамда бошқа кишилар қатнашдилар.

СЪЕЗДЛАР УЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

СОФИЯ, 4 июль. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига унинг расмий дўстона визити муносабати билан бугун Съездлар уйида катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида ўртоқ Т. Живков, Г. Трайков, С. Тодоров ўртоқлар, Болгариянинг бошқа партия ва давлат арбоблари, БХР жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Софиядаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ДЎСТ ЖАЗОИРГА ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси Хуари Бумиддинга телеграмма йўлладилар. Улар бу телеграммада мамлакат мустақил деб эълон қилинган кунининг XI йиллиги муносабати билан самимий табриклардилар ва энг яхши истакларини изҳор қилдилар.

Телеграммада бундай дейилади: совет кишилари дўст Жазоир халқининг янги жамиятни барпо этиш, аграр революцияни ва Жазоир революциясининг тиришқ ғалабаларини мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантиришга қаратилган бошқа туб социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат билан қилаётган ишларини самимий хайриҳоҳлик билан кузатиб турибдилар.

Телеграммада дўст Жазоир халқининг ўзи танлаб олган социалистик тараққиёт йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини истаб изҳор қилинган тилаклар билдирилади ва Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликнинг анъана бўлиб қолган муносабатлари ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, халқаро хавфсизлик ва барча антиимпериалистик кучларнинг бирлик фронтини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб боради, деб ишонч билдирилади.

(ТАСС).

Л О Й И Ҳ А

ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ ВА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА БОШ ДЕКЛАРАЦИЯ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашда СССР делегацияси бугун Европа хавфсизлиги асослари ва Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг принциплари тўғрисида Бош декларация лойиҳасини тақдим этди. Декларация лойиҳасининг тексти қуйида эълон қилинади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатлар, халқларни сон-саноқсиз қулфат ва машаққатларга дучор қилган ҳар икки жаҳон уруши Европада бошланганлигини эсда тутиб,

халқларнинг хавфсизлиги учун тарихий масъулиятни англаб ва Европани агрессия қуружларидан халос қилиш ва уни доимий мустаҳкам тинчлик районига айлантириш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштириш мақсадларидан илҳомланиб,

Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш Европага туташ районларда, шу жумладан Ўрта денгиз ҳавзасида ҳам умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун муҳим эканлигини англаб,

Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш бошқа бирон давлатга ёки қитъага қарши қаратилмаганлигига асосланиб,

социал-сиёсий тузумдаги тафовут давлат ўртасида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини ҳам, Умумевропадаги ҳамкорлик муносабатларини ҳам ҳар томонлама ривожлантириш учун тўсқинлик қилмаслиги лозимлигига қаттиқ ишониб,

Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни нелажанда қитъанинг ҳарбий-сиёсий гуруҳларга бўлинишини аста-секин бартараф қилиш имконини берадиган тарзда ўзгартириши мақбул деб ҳисоблаб,

Европада тинч ҳамкорлик ғояларини давлатлараро муносабатларда ҳам, ташкилотлар, кишилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва ахборот айирбошлашда ҳам амалга оширишга бундан бўён ҳам ёрдам бериш ниятини изҳор қилиб,

моддий ва маънавий маданиятнинг турли соҳаларидаги ютуқлар билан халқларни ўзаро бойитишга ёрдам беришга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига асосланиб,

давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро келишиб олинган принципларини қабул қилиш Европада хавфсизлик, ҳамкорлик ва ҳамкиҳатлик асосларини мустаҳкамлашини назарда тутиб,

I.

Ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва социал системалари қандай бўлишидан қатъи назар, ўзаро муносабатларида ғоят муҳим бўлган қуйидаги принципларни ҳурмат қилиб, уларга қатъий риоя қилажакларини **тантанали суратда билдирадилар:**

— **Суверен тенглик.** Ана шу суверен тенгликка мувофиқ, кенгашда қатнашувчи давлатлар ўз территориясида ҳукмрон бўлганлари ҳолда, бир-бирлари билан муносабатларини тенглик, мустақиллик асосида ва суверенитетга хос бўлган бошқа ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида қурадилар;

— **Куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан, БМТ Уставига мувофиқ, ўзаро муносабатларида куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечадилар ва бу билан халқаро низоларни бартараф қилиш воситаси сифатида урушни Европа халқларининг ҳаётидан чиқариб ташлаш мажбуриятини оладилар;

— **Чегараларнинг дахлсизлиги.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан Европадаги мавжуд чегараларни ҳозирги вақтда ва келгусида дахлсиз деб ҳисоблайдилар, бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай территория даъволарини қилмайдилар ва ҳеч ким ҳозирги чегараларга ҳамла қилмаган тақдирдагина бу районда тинчликни сақлаш мумкин, деб эътироф қиладилар;

— **Территориянинг бутунлиги.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан Европадаги барча давлатларнинг ҳозирги чегаралари доирасида уларнинг территориал бутунлигини сўзсиз ҳурмат қиладилар ва бунга риоя қиладилар;

— **Низоларни тинч йўл билан бартараф этиш.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан ўз низоларини халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилмайдиган йўсинда тинч воситалар билан ҳал қиладилар.

— **Ички ишларга аралашмаслик.** Кенгашда қатнашувчи давлатларнинг бирортаси ҳам шунга биноан, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайди, уларнинг ҳар бири бошқа давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий асосларини ҳурмат қилади;

— **Киши ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиш.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан киши ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни, шу жумладан диний эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қиладилар;

— **Халқларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.** Шунга биноан, ҳар бир халқ ўз мамлакатининг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётини таъминлаш учун мақбул ва зарур деб билган иқтимоий тузумни ўрнатиш ва бошқариш формасини танлаб олиш ҳуқуқига эгадир;

— **Давлатлар ўртасида ҳамкорлик.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, суверен тенглик ва аралашмаслик асосида иқтисодий, социал, маданий, илмий-техника ва савдо-сотиқ соҳаларидаги ўз алоқаларини амалга ошириш мақсадида бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар;

— **Халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларни виждонан бажариш.** Кенгашда қатнашувчи давлатлар шунга биноан БМТ Уставига мувофиқ икки томонлама ёки кўп томонлама тартибда олган халқаро мажбуриятларини виждонан бажаришлари керак;

Кенгашда қатнашувчи барча давлатларнинг ана шу принципларни ҳамманинг татбиқ этишидан келиб чиқадиган афзалликлар билан таъминлаш мақсадида ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиқнинг ҳамма соҳаларида бу принципларнинг ҳар бирини бир хил даражада сўзсиз қўлланишга **қатъий қарор бергانликларини изҳор қиладилар.**

II.

Юқорида айтиб ўтилган принципларни қўлланиш ўз ўрталаридаги нормал ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беражагига **ишонганликларини изҳор қиладилар** ва бу принципларнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида қуйидагиларни бажаришга тайёр эканликларини билдирадилар:

— ўз ўрталарида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай низоларни фақат тинч воситалар билан, шу жумладан музокаралар олиб бориш, воситачилик, арбитраж ва томонларнинг танлаб олиши ва розилигига кўра бошқа воситалар билан **бартараф қилиш;** ҳозирги вақтда у ёки бу давлатлар ўртасидаги мавжуд низолари мумкин қадар қисқа вақт ичида бартараф қилиш ёки тегишинча ҳал этиш учун куч-ғайратларини **сарф қилиш;**

— халқаро тинчлик ва осойишталикни хавф остида қолдирадиган ҳаракатларни қилувчи ҳар қандай давлат ёки давлатларга сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа хилдаги ёрдам ва **мадад беришдан тийилиб туриш;**

ҳаммани қизиқтирадиган ва Европала тинчлик, хавфсизлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга таалуқли бўлган масалалар юзасидан икки томонлама ва кўп томонлама асосда сиёсий маслаҳатлашув ва ахборот айирбошлашни **кенгайтириш ҳамда кучайтириш;**

— савдо-сотиқ ва экономика соҳасида, илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш, бутун қитъага ёки унинг айрим районларига таалуқли бўлган умумий иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш соҳасида, шунингдек, кишининг атроф-теварагидаги муҳитни ҳимоя қилиш соҳасида ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ва кўп томонлама **алоқаларни ривожлантириш;**

— маданият ва санъатнинг ҳақиқий бойликлари халқларининг муштарак мулки бўлиб қолмоғи учун ва халқлар ўртасида бир-бирини ҳаққат-ҳурмат қилиш туйғулари, Европада тинч-тотув яшаш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ғоялари кишиларнинг, хусусан ёш авлоднинг онгига сингиб кетиши учун маданий ҳамкорликни, ташкилотлар ва кишилар ўртасидаги алоқаларни, туризмни кенгайтиришга, ахборотларни ёйишга ёрдам бериш;

Европада сиёсий вазиятни яхшилаш соҳасидаги тадбирлар ва ҳарбий кесинликни юмшатиш соҳасидаги тадбирлар бир-бирини тўлдиришини фойдали ҳисоблаб ва шунга биноан:

— Европада барқарорлик ва ишончни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, белгиланган районларда ўтказиладиган ўрнак ҳарбий машқлар тўғрисида ўзаро келишиб олинган процедураларга мувофиқ бир-бирларини хабардор қилиб туришларига ва ўзаро мақбул шартлар асосида ана шу хилдаги машқларга кузатувчилар юборишларига **муҳим аҳамият берадилар;**

— Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокаралар (қатнашувчи давлатларнинг хавфсизлигига зарар етказмаслик принципи асосида айрим форумда ана шу музокаралар олиб борилмоқда) Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берадиган ижобий натижаларга олиб келади, деб **умид билдирадилар;**

— қаттиқ халқаро контроль асосида ёпқасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга, қуролланиш пойгасини, шу жумладан, ракета-ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини чеклаш ҳамда тўхтатиш тадбирларини амалга оширишга **бутун чоралар билан ёрдам берадилар.**

III.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини **таъкидлайдилар,** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини ва унинг халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлашга, халқаро масалаларни ҳал этишга, можароларнинг олдини олиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга каттароқ ҳисса қўша олиш қобилиятини оширишдан учун унинг Уставидаги қоидаларга мувофиқ бу ташкилотни мустаҳкамлашни ёқлаб чиқадилар;

— ушбу Бош декларациядаги моддаларнинг бирортаси ҳам унда қатнашувчи давлатларнинг амалдаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ҳамда битимлар юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларига **даҳл қилмаслигини билдирадилар;**

— Финляндия ҳукуматидан ушбу Бош декларацияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясига, шунингдек жаҳондаги барча давлатларнинг ҳукуматларига маълум қилишни **сўрайдилар.**

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, 4 июль. (ЎзТАГ). Бугун Андижон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари партиявий ва самарадорлигини ошириш негизи бўлган ишчи назорат қилишни янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимовнинг докладини муҳокама қилдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Иван Александрович Банниновнинг узоқ йиллик, самарали ишлари ва капитал қурилишда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги медицина хизмати бўлимининг бошлиғи Рауф Холматович Холматовнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги узоқ йиллик самарали иши ва хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи Арнольд Маркович Хайс ва СССР Ички ишлар министрлиги давлат махсус лойиҳа институтининг бош лойиҳа инженери Яков Абрамович Шиляровнинг узоқ йиллик, самарали иши ва капитал қурилишда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

АВСТРИЯ ДИЁРИДА

ЛИНЦ, 4 июль. (ТАСС махсус мухбири). Расмий визит билан Австрияда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун юқори Австриянинг асосий шаҳри, Дунай соҳилидаги саноат маркази ва Порт-Линц шаҳрига келди. У билан бирга Австрия Федерал Канцлери Б. Крайский, Совет ва Австрия расмий кишилари ҳам келишди.

А. Н. Косигин «Фест-Альпине аг» металлургия концерни заводларида бўлди. Бу концерн кўп йиллардан буён совет ташки савдо ташкилотлари билан амалий алоқа боғлаган. Ҳозирги вақтда у Австрияда СССР билан савдо-сотиқ қилувчи энг йирик концерндир.

«Фест-Альпине аг»нинг бош директори Х. Коллер ва концернинг бошқа раҳбарлари Совет ҳукуматининг бошлиғини табрикладилар. Х. Коллер бу корхонанинг фаолияти ва Австрия — Совет иқтисодий ҳамкорлигидаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари завод территориясини айланиб чиқдилар, бир қанча цехларни, шу жумладан кислород дам бериши йўли билан пўлат ишлаб чиқариладиган цехни кўздан кечирдилар. Ишчилар, инженерлар ва техниклар ҳамма жойда Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни самимий табрикладилар.

Заводлар кўздан кечирилганидан кейин концерн дирекцияси А. Н. Косигин шарафига зиёфат берди.

Зиёфат вақтида В. Крайский билан А. Н. Косигин дўстона қадаҳ кўтардилар. Улар ҳозирги вақтда Европада сиёсий вазиятнинг кўнгилдагидек ривожланиб бораётганлиги Европа давлатлари ўртасида ва шу жумладан СССР билан Австрия ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидладилар. Кейинги кунларда Венада олиб борилган музокаралар ҳам ана шу масалаларга бағишланди.

* * *

ВЕНА, 4 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Венадаги саройлардан бирида Австрия—Совет жамияти аъзолари ва вакиллари билан учрашди. Учрашувда Австриянинг Федерал Канцлери Б. Крайский, Австрия аҳолиси турли табақаларининг, жамият ташкилотларидаги намояндалари, таниқли жамоат арбоблари, олимлар, савдо-саноат доираларининг вакиллари, публицистлар ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Учрашув иштирокчилари СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигинни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Совет ҳукумати бошлиғини Австрия—Совет жамиятининг президенти профессор Гуго Глэзер табриклади.

У жамиятнинг Австрия гражданларининг мумкин қадар кўпроқ қисмини Совет Иттифоқининг экономикаси, фан ва маданияти билан, унинг ташқи сиёсати билан, КПСС XXIV съездининг Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорлари билан таништириш мақсадида олиб бораётган катта ишлари тўғрисида гапириб берди.

А. Н. Косигин ўзининг жавоб нутқида Совет—Австрия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшаётган Австрия—Совет жамиятининг фаолиятига юксак баҳо берди. Ҳалқаро муносабатларда юз берган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш, тинчликни мустаҳкамлашга бўлган тенденцияни барқарор ва доимий ҳаракатга айлантириш, деди у, ҳозирги ҳаётий энг муҳим проблемалардан биридир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати ўзининг олиб бораётган ташқи сиёсатида буни асосий вазифа қилиб қўйди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШда олиб борган музокаларининг мазмуни ҳам ана шундан иборат бўлди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Австрия Федерал Канцлери Б. Крайский билан музокаралар ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтаётганлигидан мамнун эканлигини билдирди. Совет ҳукумати, деб таъкидлади у, Австрия билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун, ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро ишончнинг кучайиши учун куч-ғайратини сарфлайди.

* * *

ВЕНА, 5 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Австрия Федерал Канцлери Б. Крайский СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шарафига кеча кечқурун зиёфат берди. Зиёфатга мамлакат савдо-саноат доираларининг вакиллари таклиф этилди.

Зиёфатда савдо, хунармандчилик ва саноат министри И. Штарнбахер, молия министри Х. Андрош, Федерал Канцлер маҳкамасининг статс-секретари Э. Весельский, Федерал савдо-саноат палатасининг президенти Р. Заллингер, Австрия саноат эгалари бирлашмасининг президенти Г. Иглер, Совет Иттифоқи ва Австриянинг расмий кишилари иштирок этдилар.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

ДАМАШҚ, 4 июль. (ТАСС махсус мухбири). Араб Социалистик Уйғониш партияси Сурия раҳбарлиги секретарининг ўринбосари Муҳаммад Жобир Бажбуж кеча КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган совет партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Муҳаммад Жобир Бажбуж билан А. П. Кириленко нутқ сўзладилар.

Муҳаммад Жобир Бажбуж ўз нутқида айтдики, Фрот гидроэнергетика комплексининг қурилиши давр синовидан ўтган мустаҳкам доимий ривожланиб бораётган Сурия—Совет дўстлигининг далилидир.

Фрот дарёсининг тантанали равишда тўсилиши халқимиз ҳаётида ҳамда озодлик ва бунёдкорлик йўлидаги курашимизда муҳим тарихий воқеа бўлди. Бу эса Совет — Сурия муносабатларининг ўзгармаслигини ва шу муносабатлар мустаҳкам принципларга асосланганлигини исботлайди.

Биз олиб бораётган ҳамма жангларда социалистик мамлакатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бизнинг одилона, ҳаққоний курашимизга берилган энг яхши мадад ва ёрдамдир.

Муҳаммад Жобир Бажбуж Совет партия-ҳукумат делегациясини самимий табриклади.

Муҳаммад Жобир Бажбуж Сурия халқига бераётган ёрдами учун совет халқига миннатдорчилик билдириб, бузилмас Сурия — Совет дўстлиги шарафига қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

А. П. Кириленко жавоб нутқида Совет Иттифоқи, КПСС ва бутун совет халқи шаънига айтилган самимий, дўстона сўзлар учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. Иккала мамлакат ва иккала халқ ўртасида ўрнатилган қардошларча дўстлик муносабатлари Совет Иттифоқида, юксак қадрланади, Партиямиз билан Совет давлати, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бу дўстлик ва ҳамкорлик халқларимизнинг бахт-саодати, тинчлик ва тараққиёт ишининг манфаатлари йўлида бунёд этган ҳам ривожланиб бораётганлигини, ҳамкорликнинг ҳаётий аҳамиятга эга экан



САМАРҚАНД областидаги «Улус» совхозида ғалла ўрими қизғин боряпти. Украиналиқ механизаторларнинг ватанпарварлиқ чақириғига қўшилган илғор комбайнчилар ўз агрегатларини юксак унум билан ишлатиб, кунлик нормаларини икки ҳисса ва ундан ошириб адо этмоқдалар. Суратда: комбайнлар карвони ўримда.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

СИФАТЛИ ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСИН

Чорва қишловини соз ва тўйимли ўтказиш учун бу йил республика хўжаликлари олдида 3,7 миллион тонна дағал хашак, 1.575 минг тонна сенаж тайёрлаш, 3.660 тонна силос бостириш ва 70 минг тонна витаминли ўт талқони ҳозирлаш вазифалари турибди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ем-хашак тайёрлашни ўз вақтида ўтказиш ҳамда колхоз ва совхозларни 1973/74 йилда чорва қишловига тайёрлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб бераётган Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Андижон областлари, Сирдарё, Калинин, Ворошилов, Оқмўғон, Денов, Жарқўрғон, Самарқанд, Янгиқўрғон, Янгиариқ, Хўжаобод, Марҳамат ва бошқа бир қатор районларнинг хўжаликлари табиий ва экилган ўтлоқларнинг пичанини тез суръатлар билан ўриб олмоқдалар.

Бироқ, ҳамма колхоз ва совхозлар ҳам чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базаси учун барча нуч ва имкониятларни ишга соляптилар, деб бўлмайди. Бундай хўжаликларда ўрим суръатининг пастлиги туфайли пичанлар қуриб қолянти ва тўйимлилик хусусиятининг бир қисмини йўқотяпти ва бу билан қимматбаҳо озуқа бой бериляпти. Оҳангарон районининг колхоз ва совхозлари эндигина 22 процент майдоннинг, Бўстонлиқ районида — 38, Риштон районида — 39, Ҳазорасп районида — 40 процент майдоннинг пичанини ўриб олдилар, холос. Кегайли, Қўнғирот ва Коғон районларида дағал хашак тайёрлаш ишлари ёмон аҳволда. Бу соҳадаги йиллик план Кегайли районида 2,4, Қўнғирот районида — 13,4, Коғон районида — 16,4 процент бажарилган.

Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари, беда ўримини чўзиш билан ҳосилдорликни ошириш мумкин деган мутлақо нотўғри қайфиятда юрибдилар. Аксинча бедани энг қисқа фурсатда (5—7 кун ичида) ўриб олиш даркор. Беда хашак учун ўрилганда ўримни тўла шоналаб эндигина гуллай бошлаганда, сенаж ва витаминли талқон учун ўрилганда эса дастлабки шоналар пайдо бўлган пайтдан нечиктирмаслик зарур.

Шу билан бир қаторда дағал пояли хашак тайёрлашни уюшқоқлик билан ташкил этиш ҳамда тўпланган сомон ва қипиқнинг сифатини бузмаган ҳолда сақлаш тадбирларини кўриш керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир хўжалик дағал ва ширали озуқа тайёрлаш план ва топшириқларини бажо келтириш ва ошириб бажаришда ҳамма нуч ва имкониятлардан унумли фойдаланишлари керак.

Чорва озуқасининг сифатини яхшилашга алоҳида диққат-эътибор билан қарамоқ лозим. Чорва озуқасини тайёрлашда прогрессив технологияни жорий этиш — унинг тўйимлилик хусусиятини оширишда катта резервдир. Кўп беда хашак учун ўрилганда унинг тўйимлилик хусусиятининг камайиши 40 процентга етади, сенаж учун бостирилганда эса 25—11 процентгача камаяди. Тажриба шуни кўрсатдики, сенаж бостиришда технологик усулларга қанчалик қаттиқ амал қилинса ноёб ўтлар шунча оз бўлади: бунинг учун беда эндигина шоналаб бошлаганда, 50—55 процент нам ҳолида майдалаб қирқиб, ўраларга тезда ташиб келтириш ва зичлаб босиб ҳамда полиэтилен плёнкаси билан ичига ҳаво кирмайдиган қилиб маҳкамлаш талаб этилади.

Витаминли талқонинг чорва молларнинг рационида қанчалик юқори самара бериши маълум. Тўйимлилиги жиҳатидан уни концентрат озуқага тенглаштириш мумкин. Витаминли талқон озуқа учун ажратилган емнинг ҳам бир қисмини қоплаи олади. Бироқ, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида витаминли талқон ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарли аҳамият берилмаётир. Бухоро областида витаминли талқон тайёрланадиган 14 агрегатнинг учтаси, Сирдарё областида учдан бир қисми, Қорақалпоғистон Автоном республикасида 20 агрегатдан олтитаси бекор турибди.

Сомон, дағал пояли хашак, витаминли талқонларни донадор ҳолда тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Лекин емишни донадор қилиш агрегатларнинг кўпгина қисми ҳаракатсиз турибди. Тошкент ва Бухоро областларида бундай агрегатларнинг биронтаси ишлатилмаяпти.

Ҳар бир колхоз, совхозда озуқа тайёрлаш плани ошириб бажарилиши керак. Озуқани майдалаш ишларини тез фурсатда кенгайтириш зарур. Июль ва август ойларида уларни чорва молларн қишлайдиган фермаларга ташиб келтириш ва озуқани сифати бузилмаган ҳолда сақлашни таъминлаш лозим.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ

Ғўзалар қийғос гуллаш босқичига кирди. Қулай об-ҳаво шароити ва намнинг етарли бўлиши ғўзаларнинг яхши ўсиб, кўп ҳосил ниҳоналари тўплашига етарли шароит яратди. Айни кезда шуни ҳам таъкидлаш керакки, пахтакор районларнинг ҳаммасида ҳосил чўғига жиддий путур етказувчи қишлоқ хўжалик зараркунандалари кенг тарқалаётгани маълум бўлди. Июль ойида ўргимчаккана, кузги тунлам, ўсимлик бити — ширанинг янада кенг тарқалиши ва кўпайиши кутиляпти.

Июль ойида ҳароратнинг юқори бўлиши, ҳавонинг қуриқ келиши, баъзан бўлиб турган шамоллар зараркунандаларнинг тез кўпайишидан дарак беряпти. Ҳозирдаёқ анчагина майдонлар ўргимчаккана билан зарарланган аниқланди. Фарғона водийси ва Сурхондарё областида бу зараркунанда айниқса кўп тарқалди.

Республиканинг жанубий районларида кузги тунламнинг биринчи қуртлари пайдо бўлгани аниқланди. Сурхондарё областининг Гагарин, Шеробод, Термиз, Жарқўрғон районларида кузги тунлам айниқса кўп тарқаляпти. Бошқа областларда унинг турли ёшдаги қуртлари тарқалаётгани аниқланяпти. Июль ойида кузги тунламнинг иккинчи ёшдаги қуртлари тарқалиш хавфи бор.

Қатор районларда ўргимчаккана ва кузги тунлам ҳозирдаёқ ғўзаларга анчагина зарар етказди. Бундай ачинарли аҳвол хўжалик раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан етарли назорат олиб борилмаганлиги, кўп аппаратлари ва самолётлардан қониқарсиз фойдаланилгани оқибатида юз берди.

Июль қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда энг маъсулиятли ойдир. Республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг мутахассислари зараркунандаларни қириб ташламоқ учун қуйидагиларни тавсия этади.

— Зарарланган майдонларни аниқлаб, унга қарши чоралар кўрламоқ учун далаларни қайта ишлаш графигини тузиб чиқиш лозим. Ишнинг сифатини бажарилишини назорат қилиб бориш учун ҳар бир бригада бўйича битта доимий кузатувчи ажратиш керак. Уларга район ахборот бериш ва маълумот тўплаш пункти тегишли кўргазмалар бериб турадн.

— Айрим районларда қўлланилаётган заҳарли химикатлар ўргимчаккана билан бутунлай тугатишда яхши самара бермаётганини ҳисобга олиб, зарарланган майдонларни системали ва кучайтирилган заҳарли химикатлар билан навбатлаб ишлаш керак.

Системали ва кучайтирилган заҳарли химикатлар трактор пуркагичлар, шунингдек, самолётлар ёрдамида сепилиши керак.

Олтингугуртдан фойдаланиш — ўргимчаккана қарши курашнинг самарали ва бехатар усулидир.

Системали препаратлар билан дорилашни фақат суғоришдан кейин ўтказиш керак: ғўзаси қуриб қолган майдонларда бу препаратлар яхши самара бермайди.

Ўргимчаккана ва сўрувчи зараркунандалар пайдо бўлган майдонлардаги ғўзаларни бир вақт ичида дорилаганда комплекс ишлов бериш керак. Бунинг учун эса бу ишларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, препаратларни тайёрлашда ва ҳар гектар ер ҳисобига суюқликни сарфлашда нормага қаттиқ риоя қилиш, шунингдек, қўлда ишлатиладиган аппаратлар ва самолётлар ишида яхши тартиб ўрнатиш зарур. Гоммоз билан зарарланган пайкалларда ғўзаларни энг яхши агротехника усуллари асосида парваришлаш лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, заҳарли химикатлардан фойдаланиш вақтида техника хавфсизлигига доир ҳамма талабларга қаттиқ риоя қилиш зарур.

Планетамизда

ХУШХАБАРЛАР ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР.

„БУЮК БУРИЛИШ“

НЬЮ-ЙОРК, 4 июль. [ТАСС мухбири]. Америка матбуоти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Қўшма Штатларга қилган визити натижаларини юксак баҳоламоқда.

«Л. И. Брежневнинг Р. Никсон билан музокаралари давомида жуда кўп натижага эришилди, деб ёзади «Уолл-стрит жорнэл» газетаси. — Иккала раҳбар имзолаган ҳужжатлар ва айтган гаплар СССР билан АҚШ ўртасида урушдан кейинги муносабатларда душманчилик тугаб бораётганлигидан далолат беради. Улар шу муносабатларга туб ўзгартишлар киритишга, жумладан, ҳарбий муҳолифликларга йўл қўймаслик мақсадини кўзловчи ўзаро битим негизида янада мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатишга биргаликда даъват қилдилар».

Қўшма Штатларда кўп нусхада нашр этиладиган ҳафталик «Ньюсубик» журналининг таъкидлаб ёзишича, Л. И. Брежневнинг Қўшма Штатларга қилган визити Совет Иттифоқи билан АҚШ ўтган йили Москвада олий даражада ўтказилган учрашув вақтида совет-америка муносабатлари хартасига чизиб қўйилган маршрутга қатъий амал қилаётганлигининг ёркин исботидир. «Бу маршрут, — деб таъкидлайди журнал, — иккала мамлакатни бир қатор муҳим ва жозибадор битимлар тузишишга олиб келди». «Натижада АҚШ билан СССР ўзаро унумли манфаатларни кўзловчи алоқаларни янада кучайтирдилар» деб ёзади «Ньюсубик» журнали.

«Ричмонд таймс-диспэтч» газетаси бундай деб ёзади: Л. И. Брежнев АҚШга қилган сафарининг якунлари «шундай катта аҳамиятга эга, чунки шу сафар вақтида энг асосий масала ҳал этилди — «уруш хавфи йўқотилди». «Ҳозир учинчи жаҳон урушининг чиқиш хавфи анча камайди», — деб таъкидлайди газета. Анча барқарор тинчлик биносини қуриш ишлари давом этаётганлиги мутлақо равшан кўриниб турибди, — деб ёзади «Ричмонд таймс диспэтч». Р. Никсоннинг Л. И. Брежнев билан ядро қуроли билан қуролланиш пойгаси устидан контроль ўрнатиш ва шу қуролларни қисқартириш тўғрисида тезликда муҳим битимга эришишга қарор берганликлари улар ўртасидаги учрашувнинг энг қимматли натижаси эканлиги равшан.

Америка матбуоти иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг истиқболларини очиб берувчи бошқа битимларни ҳам юксак баҳоламоқда.

ХЕЛЬСИНКИДАГИ КЕНГАШДА

ХЕЛЬСИНКИ, 4 июль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилаётган кенгашнинг иккинчи куни. Кенгаш амалий, ишчанлик вазиятида, ана шу анъанани олдида турган тарихий вазифаларнинг бутунлигини англаш руҳида ўтмоқда. Совет делегациясининг бошлиғи ташқи ишлар министри А. А. Громыконинг кеча умумий мунозарани бошлаб берган нутқида ўртага ташланган актуал таклифлар қизғин муҳоқама қилинмоқда.

Бугун эрталабки мажлисда Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Петр Младенов раислик қилди. Биринчи бўлиб сўз олган ГДР ташқи ишлар министри Отто Винцер кейинги вақтларда Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда юз берган ўзгаришларга батафсил тўхталди. У СССР билан АҚШ ўртасида яқинда тузилган битимларнинг Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамияти борлигини таъкидлади. Ҳозирги кенгаш, деди у, шу дамгача эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб келди, Европадаги кескинликни янада юмшатиш жараёнига кўмаклашиши мумкин ва лозим.

ГДР, деди сўзини давом эттириб О. Винцер, кенгаш ишининг олиноажак вазифасини бажаришга, халқлар ундан кутаётган умидларни рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган амалий қарорларни ишлаб чиқишда қатнашади.

ГДР ташқи ишлар министри СССР, ПХР, ЧССР ва ГДРнинг ГФР билан тузган шартномалари, шунингдек Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битим ва шундан кейин тузилган ГДР билан Ғарбий Берлин сенатининг битимини давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун нақадар катта роль ўйнаши ҳақида муфассал гапирди. Бу шартномалар Хельсинкига келиш йўлини очишга ёрдам берди, деди О. Винцер.

ГДР Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи доимий маслаҳат комитетини тузишни ҳам таклиф қилади.

ГФР ташқи ишлар министри Вальтер Шеель ўз нутқида министрлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик хусусидаги фикрларини биргаликда ўртоқлашиш имкониятини биринчи марта олганлигининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Министрлар кўп томонлама асосдаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига тўхталиб, бу хусуда яхши умида эканлигини таъкидлади. Президент Р. Никсон билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўртасида қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро урушининг олдини олиш тўғрисида яқинда тузилган битимларни афкор омма ғоят ижобий назар билан кутиб олди, деди у. В. Шеель манфаатлар пухта чамалаб қўйилган ва ўзаро ишонч мавжуд бўлган тақдирда бошқа соҳаларда ҳам ана шундай натижаларга эришиш мумкин, деб умид билдирди.

Ҳадемай Берлининг барча кўча ва майдонлари алвон байроқ ва транспарантлар билан безанади. Германия Демократик Республикасининг пойтахти ёшлар ва студентларнинг X Бутунжаҳон фестивали иштирокчиларини кутиб олишга катта тайёргарлик кўряпти.

В. Соболев ва Б. Мусаэльян фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ИРЛАНДИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 3 июль. (ТАСС). Ирландия Коммунистик партиясининг Белфастда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: «Шимолий Ирландия Ассамблеясига ўтказилган сайлов Шимолий Ирландиядаги бутун аҳоли учун туб масалани — демократик жамият вужудга келтириш масаласини сира ҳам ҳал этмади».

Британия ҳукумати Ассамблея ёрдами билан, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Шимолий Ирландияни бундан буён ҳам идора қилиш ниятидадир.

Компартия Шимолий Ирландиядаги касаба союз ва ишчилар ҳаракатини ишсизликни тугатиш учун, уй-жой проблемасини ҳал этиш ва демократик ислоҳотларни амалга оширишни учун кураш кенгайтиришга даъват этади.

Ирландия Компартиясининг баёнотида бундай дейилади: Демократик ҳуқуқлар учун ва Британия армиясининг репрессияларига қарши кураш Шимолий Ирландияда авваламбор бундан буён ҳам давом эттирилиши керак.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ТОКИО. Юсюю оролидаги Тарабе шаҳрида «тинчлик марши» бошланди. Марш қатнашчилари — тинчлик ҳаракатининг ақтивлари 8 августа Нагасаки шаҳрига етиб боришади. Бу шаҳрда ядро қуролини тақиқлашга бағишланган конференция бўлади. Нагасаки бундан 28 йил аввал атом бомбаси бомбардимонига дучор бўлган шаҳардир.

✦ СИНГАПУР. Шаҳарда намунали озодалик ва тартиб сақлаш Сингапур аҳолисининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бизнинг шаҳар — давлатимиз атроф муҳитга бепарво муносабатда бўлолмайди, дейди шаҳар маъмурларининг вакиллари. Шаҳар маъмурлари озодагарчилик ва тартиб қоидаларни бузувчиларга қаттиқ чора кўриш системасини ўрнатишган. Масалан кўчага папирос қолдиргани ташлагани учун 500 Сингапур доллари миқдорида жарима тўланиши керак. (ТАСС).

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг яқинда АҚШга қилган расмий визити самараларини анализ қилиб, «Ядро урушининг олдини олиш тўғрисида»ги битимни бу визитнинг энг муҳим натижаларидан бири, деб ҳақли равишда хисобламоқда. 22 июнда Вашингтонда Л. И. Брежнев билан Президент Р. Никсон имзолаган бу битимни бутун дунё ҳақиқатан тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат, деб баҳоламоқда.

Бу тушунарли бир ҳолдир. Ядро уруши хавфининг жуда тез бартараф этилишидан ҳамма халқлар, планетамизнинг барча мехнаткашлари астойдил манфаатдордир.

Бу шартномаларнинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчидан, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар иккинчи томонга қарши, иккинчи томоннинг иттифоқчиларига қарши ва умуман бошқа мамлакатларга қарши қуч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ёки қуч ишлатишдан воз кечишларини таъкидладилар.

Иккинчидан, энг катта ядро давлатлари бўлган СССР билан АҚШ ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш ва бошқа мамлакатлар билан ядро урушининг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қиладилар, деб ўзаро келишиб олдилар ва буни тантанали равишда эълон қилдилар.

Учинчидан, имзоланган пайтидан бошлаб кучга кирган бу битим муддатсиздир. Яъни унга қандайдир «муваққат келишув» деб қараш керак эмас. Кўпгина чет эл обзорчилари худди шу қонун мамнуниятлар билан таъкидлаб ўтаётганликлари тушунарлидир. Бу эса ҳар иккала давлатнинг умуман ядро уруши келиб чиқишининг абадий олдини олиш йўлида ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилишга қатъий қарор берганликларини исбот этади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар тарихда биринчи марта инсониятни энг даҳшатли хавф—ялпи қирғин қуролини ишлатган ҳолда уруш қилиш хавфидан халос этиш учун ўз зиммаларига мажбурият олдилар.

«Брежнев билан Никсон ядро уруши болтасини ерга кўмиб қўйдилар», деб ёзади бу хусуда Франция «Фигаро» газетаси. Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетаси бу битимни «жуда катта аҳамиятга эга бўлган жасорат» деб атайди. Бу битимнинг аҳамияти иккита мамлакат учунгина эмас таъкидлайди ГДРнинг «Нойес Дойчланд» газетаси. Ядро қуроли ишлатилган ҳолда жаҳон уруши хавфи бутун инсониятга таҳдид қилиб турибди. Демак, бу хавфнинг камайтирилишидан бутун инсоният фойда кўради».

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визитининг сиёсий ва амалий натижаларини тўла-тўкис маъқуллаб, шахсан унинг қўйган ҳиссасига юксак баҳо берди. «Ядро урушининг олдини олиш тўғрисида» Совет—Америка битими «ядро урушининг келиб чиқиш хавфини камайтириш ва оқибат пировардида бу хавфни бартараф этиш, халқаро хавфсизлиннинг реал гарантиялари системасини яратиш йўлида муҳим» қадам эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу битим халқаро кескинликни янада камайтиришга олиб келади ва инсониятнинг тинч келажагини таъминлаш йўлида муҳим тадбир бўлиб қолади.

Э. БАСКАКОВ. (ТАСС).

АМЕРИКА КОСМОНАВТЛАРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). «Скайлэб» космик станциясида учган Америка космонавтлари Ч. Конрад, П. Вейц ва Ж. Кервин Хьюстонда ўтказилган матбуот конференциясида айтишдики, сиҳат-саломатлиги нормал ҳар қандай киши ўз соғлиғига бирон жиддий зарар етказмай космосга парвоз қилавериши мумкин экан.

«Ўртача эркак ёки аёл космик фазога учиб чиқавериши мумкин деб ўйлайман», — деди экипаж командири Конрад. — Бунинг учун баъзи жисмоний машқларни бажариш зарур, деб таъкидлади у. У космонавтлар вазнсизлик шароитларида узоқ муддат бўлишдан сўнг уларнинг организмининг ер тортиш кучига ўтишидаги жисмоний зўриқиши космосда бўлган чоғдаёқ махсус машқлар комплекси ёрдами билан енгил ўтилиши мумкин, деди.

«Скайлэб» станцияси экипажининг учала аъзосида ерга қайтиб келгач, дастлабки кунлар баъзи касаллик аломатлари бўлди. Масалан, Кервинда денгиз тутмасининг баъзи аломатлари, кўнгил айниш ва қусиш рўй берди. Вейцнинг боши айланди. Конраднинг боши тўхтаб-тўхтаб оғриди. Ҳозир уларнинг учтовни ўзларини нормал ҳис этишяпти.

Сўнгра Конрад космик кема ичида қилинувчи махсус физик машқлар комплекси одамнинг узоқ вақт мобайнида космосда қолишига имкон берувчи восита бўлиши мумкин, деди.

Икки йил ва ундан ошиқ муддат билан (масалан, Марс сари) узоқ космик учиш шароитларига киши организмининг мослашиш имкониятлари тўғрисида берилган саволга Кервин одамлар космосда шунчалик узоқ муддат бўлиш шароитларига ҳам секин-аста кўникиб боришлари мумкин, деб дадил жавоб қайтарди.

ишчи ва деҳқонлар орасидан етишиб чиққан зиёлилар халққа хизмат қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Шу боисдан ҳам улар ҳақли равишда халқ зиёлилари деб аталадилар. Ҳозир СССРда 3.3 миллион педагог, 2.7 миллион врач, 900 минг илмий ходим, инженер-техниклар мамлакатимиз тараққиётини тезлаштириш йўлида фаол меҳнат қилмоқда.

Совет халқи ўзининг ғоявий асосига, ягона идеология, дунёқараш, социалистик мазмунга, ягона маданиятга эга бўлиб, унинг бу ғоявий асоси марксизм-ленинизм таълимотида, КПСС Программаси, идеологияси ва сиёсатида ўз ифодасини топгандир. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда **«...Биз то охиригача интернационалистлармиз ва ҳамма миллат ишчи ва деҳқонларининг ихтиёрий иттифоқига интиламиз...»**

СССРда социализм ғалаба қозонгач, марксизм-ленинизм идеологияси совет халқининг бирдан-бир ҳукмрон идеологияси бўлиб қолди. Совет халқининг раҳбар ва етакчи кучи КПСС меҳнаткашларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаб совет халқи ғоявий бирлигини қарор топдириш йўлида беқиёс куч-ғайрат сарфлади. Бизнинг партиямиз ўз идеологияси ва сиёсати жиҳатидан ленинча-интернационалистлар партияси бўлиб, барча миллат ва элатларнинг илғор вакилларини ўз сафида бирлаштиргандир.

Партиямизнинг сиёсати барча синфлар ва социал группалар, барча миллатлар ва элатлар манфаатига тўла жавоб бериб, уларнинг олий мақсадини ифода этади. Совет халқидаги энг ажойиб фазилатлар, энг яхши хислатлар улуғ шонли партиямиз томонидан сингдирилган. **«Совет халқининг социал-сиёсий ва ғоявий birлиги,** — дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Совет халқига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги барча миллат меҳнаткашларига Мурожаатида, — **ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг аҳил оиласи Коммунистик партия теварагида жиплашганлиги бунинг гаровидир».**

Совет халқи ўзининг сиёсий асосига эга. Бу асос кўп миллатли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидир. Советлар формасидаги кўп миллатли социалистик давлат СССРдаги барча халқларнинг ягона давлати сифатида вужудга келиб, у барча миллат ва элатларнинг манфаатини бир хил таъминлайди, уларни халқаро империализм ҳамласидан сақлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Социалистик давлат халқнинг сиёсий ташкилоти сифатида чинакам халқ давлатидир. Социалистик давлатда халқ ва давлат манфаатлари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли «социалистик» ва «халқчиллик» тушунчалари узвий боғлангандир.

Совет халқини қабила, элат, миллат тушунчалари билан аралаштириб бўлмайди, чунки совет халқи СССРда яшовчи 130 миллат ва элатни ўзида birлаштиради, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ғоявий birлигини ифода қилади. Совет халқи социалистик миллатгина эмас, у янги умуммиллий birлик ҳамдир. Интернационализм унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу билан birга, совет халқини умумий ва хусусий (махсус) birлик деб ҳам тушуниш лозим, чунки интернационализм миллийликдан ташқиб топади, интернационализмни миллий birликка, миллий birликни интернационализмга қарама-қарши қилиб бўлмайди.

Совет халқининг монолит birлиги, унинг қудрати айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида ёркин намоён бўлди. Ватанимиз тақдири учун барча совет халқлари фашизмга қақшатгич зарба беришга кўтарилдилар, жанг майдонларида қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатдилар ва ғалаба қозондилар.

Империализм идеологлари СССР халқлари орасига низо, адоват сочишга, миллий хусусиятларни бўрттириб кўрсатишга, СССР халқлари ўртасидаги дўстликни, ленинча миллий сиёсатнинг қудратли кучини бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Шубҳасиз, уларнинг бу қора ниятлари шу вақттача қандай барбод бўлган бўлса, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Зотан СССР халқлари ўртасидаги дўстликни буза оладиган куч ер юзида йўқ. Совет халқи енгилмас халқдир.

Келажакка, интернационал birликка қараб улкан қадам ташлаб бораётган совет халқи умуммиллий иftихорга эга. Бу иftихор эса, жуда катта, миқёси кенг, ўз мазмуни жиҳатидан бой ҳис-туйғудир. Бу ҳис-туйғу мамлакатимизни ташкил этган халқлардан ҳар birининг табиий-миллий ҳис-туйғуларидан чуқурроқ ва кенгроқдир.

СССР халқларининг маънавий тараққиётида, уларнинг бир-birлари билан яқинлашувида ва маданий бойишларида улуғ рус халқининг В. И. Ленининг тили бўлган рус тилининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. СССР халқлари ўртасидаги бу ўзаро муомала тилини ўрганиш демократик асосда, ихтиёрий равишда содир бўлмоқда. Ҳар бир совет киши рус тилини ўрганиш билан жаҳон фани ва адабиётининг ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда, ўзининг маданий ва илмий савиясини ҳар томонлама оширмоқда.

1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра 6,6 миллион, 1959 йили 10,2 миллион, 1970 йили эса 12 миллион бошқа миллатларга мансуб бўлган кишилар ўз она тилиси деб рус тилини атадилар. 1970 йили аҳоли рўйхати бўйича СССРда 128,8 миллион руслар ва уларга тил жиҳатдан яқин бўлган 40 миллион украинлар ҳамда 9 миллион белоруслар бор. Уларнинг ҳаммасини birгаликда олганда, рус тилини эркин билган кишиларнинг уларга қўшган тақдирда, ҳозир мамлакатда рус бўлмаган ҳар ўн кишидан 8—9 киши рус тилини яхши билади. Рус тилини чуқур ўрганиш маҳаллий, миллий тилларни эркин ўрганиш, тараққий эттириш билан birга давом этмоқда. Рус тилини ўрганиш рус халқига бўлган чуқур ҳурматни ифода этади. Айни бир вақтда, бу прогрессив жараён совет халқидаги ажойиб умуммиллий фазилатлардан бири ҳамдир.

Шундай қилиб, совет халқи кишиларнинг янги тарихий birлиги сифатида ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ғоявий асосига, совет кишиларя эса умуммиллий фазилатларга, ҳис-туйғуларга эгадир.

Совет халқининг авангарди бўлмиш КПСС совет халқининг бу асосларини, совет кишиларидаги умуммиллий фазилатларни тарбиялаб бораверади. миллатлар ва элатларнинг равнақини ҳамда уларни бир-бирлари билан яқинлаштиришга қаратилган йўлни давом эттираверади.

А. АКРАМОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.



Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкентдаги 2-клиника шифохонаси республикамиздаги энг йирик даволаш муассасаларидан бири ҳисобланади. 1020 ўринга эга бўлган бу касалхонада беморларга юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатишяпти.

И. Глауберзон фотоси.

МЕҲНАТГА ҲУРМАТ

СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг бош комитети Тошкент областининг ўтган қишлоқ хўжалик йилида ўрнак кўрсатган 500 дан ортиқ илғор колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини янги шартлар бўйича мунофотлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 25 киши олтин медалга, 100 киши кумуш медалга ва 379 киши бронза медалга сазовор бўлди. Пискент, Оққўрғон, Янгийўл районларига биринчи даражали диплом, Бўстонлиқ районига иккинчи даражали диплом берилди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози бултур пойтахт область хўжаликлари орасида энг мўл пахта ҳосили тўплаб, СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг фахрий дипломини олди. Диплом билан бирга колхозга автобус мукофот қилиб берилади.

Пискент районидаги Тельман номли колхоздаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким Қодиров бригадасининг меҳнати фахрий диплом билан тақдирланди. Тез орада илғорларнинг дала шийпонида виставканинг мукофоти — рангли «Рубин-707» телевизори пайдо бўлади Мўл «оқ олтин» ҳосили миришкорлари шонли коллективининг бошлиғи — «Москвич» енгил автомашинасини олади. Тошкент областидаги хўжаликлар орасида энг яхши чорвачилик фермаларидан бирига, саккизта пахтачилик ва лубкорлик бригадаларига виставканинг дипломлари ва қимматли мунофотлар берилди.

1972 йилнинг якунларига кўра, республиканинг бошқа областлари ва Қорақалпоғистондан қишлоқ хўжалигининг жуда кўп илғорлари, илмий ходимлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутахассислари мукофотлаш учун СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг бош комитети муҳокамасига тақдим қилинди.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Шовқин... жимликни вужудга келтиради

Шовқинни сиҳат-саломатликнинг эгови деб тўғри айтишади. Бутун дунёдаги инженерлар, шаҳар қурувчилар, врачлар шу душманга катта ҳужум боғлайдиган пайт келди деган ягона фикрга келишди. Ўтган асрда таниқли немис олими Роберт Кох қачонлардир инсоният вабо ва ўлатга қарши курашгани каби шовқинга қарши ҳам қатъий курашишга мажбур бўлади, деб айганди.

Мамлакатимизнинг лаборатория ва институтларида шовқинга қарши амалий ишлар изланмоқда. Проблеманинг ечими баъзида кўтилмаган томондан келиб чиқмоқда. Шовқинга қарши курашиш — айни шундай шовқин вужудга келтиришдан иборатдир, дейди олимлар. Бу ажойиб ҳулоса интерференция ҳодисасидан фойдаланишга асосланган. Маълумки, икки шовқин манбаи бир вақтда таъсир этганида, уларнинг товуш тўлқинлари қўшилиб ё кучаяди, ёки сўнади.

Мутахассислар шу ҳодисадан қандай фойдаланишмоқчи? Акустиклар зарарли товушларни аниқлаб, уларнинг частота ва фаза характеристикаларини аниқламоқдалар. Бинода ўрнатилган динамиклар тескари фаза билан худди шундай шовқин юборади. Тўқнашларнинг ўзаро айқашиши натижасида жимлик вужудга келади.

Р. АХМЕТОВ.
(ТАСС мухбири).

Москва.

Лола дарахти

Сочидан шимолроқда Қора денгиз соҳилида ўсувчи бу дарахт реликт дарахтлар категориясига киради. Дарахт кўкламда гоятда кўркам қизил-гунафша гуллар билан қопланади. Бу гуллар лолага ўхшаганлигидан лола дарахти деб аталган. Мамлакатимизда, шунингдек бутун Европа территорияси бошқа шундай дарахт йўқ.

Сочи дендрарийсининг ходимлари дарахтни доимо кузатиб боришади. Уни неча бор кўпайтиришга уринишган бўлсада, лекин ҳамма тажрибалар муваффақиятсиз чиқаверди. Мутахассислар иш ўнгидан келиши учун бошқа бир лола дарахтининг уруғликлари билан чатиштириб чанглаш талаб қилинади, деб ҳисобламоқдалар. Хўш, Кавказда бу дарахт қандай пайдо бўлиб қолди?

Бу борада фақат тахмин гапларнигина айтиш мумкин. Денгиз оқими дарахт уруғини Америкадан келтирган бўлиши мумкин. Тўлқин соҳилга чиқариб ташлаган уруғ бу ерда ўсиш учун қулай шароитга тушган.

Ҳозир лола дарахти 100 ёшдан ошди. Унинг қудратли танаси 20 метргача чўзилган. Ботаниклар дарахт ҳали ўсиб, яна неча ўн йиллар гуллаб туради дейишмоқда.

В. КЛЕМЕНКО.
ТАСС мухбири.

Сочи.

Қовунми ёки картошка

Уссури ўлкасида кўп ноёб ўсимликлар учрайди. Шулардан бири — қизил қовун-табиатнинг галати бир инжиқлиги билан тропик ва субтропик иқлимлар ўсимлиги бу ерда униб қолган. Ўсимлик пояси қовли говларига ўралиб уй деворларигача чиқиб кетган. Шу сабабдан маҳаллий аҳоли уни чирмовиқ ўсимлик дейди. Кузда оч сариқ гуллари тагидан қизил мева пайдо бўлади. Меванинг тами қовун тамига ўхшайди. Уни шу ҳолида ва мўзлатилган ҳолда истеъмол этишади. Қишга ғамлаб қўйишади.

Олимлар бу чирмовиқ ўсимлик хусусида кўп баҳслашишди. Бирлари уни қовун дейишса, бошқалари ниҳоясига етди. 50 километрлик йўл бўйлаб ўтказилган пойгада вакилларимиздан ангренлик М. Асқаров, В. Ярков ва олмаликлик С. Чеботарёвлар биринчи бўлишди.

ФУТБОЛ. Ўзбекистон кубоги учун курашаётган 20 командадан ҳозир 8 таси совриН иштиёқида мусобақани давом эттирмоқда. 7 ва 14 июль кунлари ўтказиладиган чорак финал ўйинларида «Мотор» (Гулистон), «Сплав» (Чирчиқ), «Меҳнат» (Маргилон), «Буревестник» (Наманган), «Металлург» (Олмалиқ), «Строитель» (Самарқанд) ҳамда Термиз ва Фарғона педагогика институти командалари ўзаро куч синашадилар.

БАСКЕТБОЛ. Мамлакат кубоги учун ўтказилаётган зонал мусобақалар давом этмоқда. ТошДУнинг арқаклар командаси Ўрта Осиё зонал мусобақасининг ярим финалига чиқиш учун Фрунзенинг «Политехник» коллективи билан учрашиб, 102:88 ҳисобида галаба қилди. Тошкент физкультура институтининг аёллари эса Қирғизистоннинг «Строитель» коллективи билан куч синашиб 65:58 ҳисобида ютуқни қўлга киритишди.

СЕН БАХТЛИСАН...

БИР ХАТ ИЗИДАН

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ. Мен бахтли, заволли, орзули ўзбек қизиман. Гоҳо-гоҳо шеърлар ҳам машқ қиламан. Лекин йиллар давом этган касаллик оқибатида икки оёғим мадорсизланиб, қўлтиқ таёқ ёрдамида юраман. Кўп ўқийман, мутолаа қиламан. Ҳаётим завқли ўтмоқда. Дўстларим кўп. Ҳаётни юрагим билан севаман, ардоқлайман. Ахир, киши меҳрни, оқибатни, дўстлик туйғуларини юраги билан ҳис қилади-ку! Мен севишни, ёнишни биламан. Мен кимнидир суяшни, далда беришни биламан. Айтинг-чи, мен бахтлиманми?..

(Раъно РОЗИҚОВА —
Жалолобод)

Бахт — азалдан инсоннинг қалб тўрида аллаланган, орзу қилинган туйғу.

Табиат қўйнидан гул-сабзалар баҳра олиб яшнайди. Дарахт бутоқлари гунчалардан ҳосил кўтаради. Лекин жаҳонда шундай бир қуёш ҳам борки, бу қуёш тафтидан инсон юраги, шуури баҳра олади. Бахт, истиқболга пешвоз чиқади. Инсон юрагидаги буюк орзулар, интилиш, саҳоват, дўстлик, қардошликдек энг азиз, мўътабар туйғулар шу қуёш туфайли туғилиб, камол топади. Муаззам меҳнат зафарлари, ихтиролар, ташаббуснинг пўлат қанотлари шу қуёш ҳароратидан қудрат олади. Бу қуёш — Октябрь қуёши, Ленин қуёшидир! Бу қуёш — бахт қуёшидир! У сочган нур — толе нурларидир. Бу қуёш нурлари шу қадар саҳоватга тўлиқ, шу қадар қудратлики, у замондошларимизгагина эмас, бундан минг йиллар илгари яшаган аждодларимизга ҳам бахт-толе, иқтидор, мангулик ато этди. Бобокалонларимиз Абурайҳон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоийнинг бугунги оламоро шуҳрати шу бахт қуёшимиз, совет тузумимиз туфайлидир...

Мамлакатимиз, хусусан Ўзбекистонимиз улкан қурилишлар майдонига айланди. Шу қадар қурилиш кўпки... Завод, мактаб, йўллар, ГЭСлар, боғчалар, устахоналар. Давлатимиз халқ учун, унинг фаровонлиги учун миллион-миллион сўмлаб маблағ ажратяпти. Ана шуларга жавобан фақат ва фақат гўзалликлар бунёд қилгинг келади.

Бахт ҳақида ўйлаганингда ана шуларни эслайсан. Бахтни ана шундай меҳнатлар, курашларда кўрасан. Бахтни бир-бирларига ҳамроз, ҳамфикр, дўсттотув кишиларнинг меҳр-оқибатида кўрасан. Бахтни халқ, эл-юрт юмушига ҳамиша тайёр эканингда кўрасан.

Раъно Розиқованинг мактубига қайтишни истардим. Унинг севги, бахт ҳақидаги мушоҳадаларини қайта-қайта тинглагим келади. Раъно йўллаган ўн саҳифали мактубнинг ҳар сатрида ақл, заковат, зеҳн ёғдуларини кўриш мумкин. Энг муҳими — унда чин инсоний қалб бор, ҳа, инсоний қалб. Биз мана шундай қалб эгаларини севишни, улардан ўрганишни, уларни улуғлашни истаймиз. Негаки, бундай олижаноб орзули қалб билан элга, юртга, одамларга кўп хизмат қилса бўлади.

Синглим, Раънохон! Мактубингиздаги саволларингиз, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларингиз мени анча ўйлатиб қўйди. Ҳаётни катта қалб билан ҳис этишингиз, одамларни гоят севишингиз, қадрлашингиз, дўстликни, қардошлик туйғуларини ардоқлашингиздан гоят хурсанд бўлдим.

Волидан меҳрибонингиз — онангизга, Ватанга, Коммунистик партияга, устозларингиз ва меҳрибон ўқитувчиларингизга, даволовчи врачлар ва дугоналарингизга ёзган шеърларингизни қаяжонланмасдан ўқиёлмадим.

Синглим, шуларнинг ҳаммасидан кейин сизнинг ирдангиз, қатъиятингиз, бардошингизга қойил қолдим. Сизнинг сиймонгизда гўзал қалбли инсонни кўрдим. Сизнинг ҳаётингиз мени жуда қизиқириб қўйди. Шу мақсадда сиз ўн йиллар давомида тарбияланган, даволанган, билим олган «Қизил майка» санаторийсига бордим. Сиз ҳозир ўз юртингизга, Жалолободга қайтиб, ўқишингизни давом эттираётган экансиз. Ўқитувчиларингиз уйингизга қатнаб, сизга билим бераётган эканлар. Демак, шундан ҳам маълумки, сиз элимизга, жамиятимизга энг керакли одамсиз. Синглим Раънохон! Сиз яшаган санаторийдаги ўқитувчилар, энагалар, врачлар сизни қандай яхши кўришларини билсангиз эди! Мана, азиз ўқитувчиларингиздан бирининг юрак сўзлари:

— Даре пайтларида саволларни энг кўп берадиган, тафиат, инсонлар ҳақида кўп фикр юритадиган ўқувчи — шу Раъно Розиқова эди, — дейди ўқитувчи Анатолий Михайлович. — Мен унинг саволларига дафъатан жавоб беролмас эдим. Дарсдан сўнг уйда тайёрланиб, қидириб, қаноатлантирувчи, мукаммалроқ жавоб излардим. Унинг кўзларида севинч кўрсам, ўзимни бахтли, кучли ҳис қилардим. Раъно дарсларидан кейин ҳам менга тинчлик бермасди. Дзержинский, Фрунзе, Карбишев ва Ватанимизнинг бошқа ажойиб ўғлонлари ҳақида сўрарди. Музикага даҳлдор бўлмасам ҳам, буюк композиторлар ҳақида сўраб, суриштирарди.

Синглим Раънохон, бизга йўллаган хатингизда: менинг севишга ҳаққим борми? — деб сўрабсиз. Нега ҳаққингиз йўқ экан. Албатта бор! Шундай чиройли, ўтли қалбнинг севгисиз бўлиши мумкинми?!

Аслини олганда, инсониятнинг эзгу орзуси — Коммунизмнинг ўзи ҳам севгисиз қурилмайди. Чунки севги сўзининг маъноси ҳам, мундарижаси ҳам беҳудуд. Инсон инсонни севмаса, Ватанини, замондошини, дўстини, устозини севмаса, юксалиш ҳам, гўзаллик ҳам, буюклика интилиш ҳам бўлмасди. Коммунизмни қурувчилар ҳам, у жамиятда яшовчилар ҳам шу инсонлар. Инсон борки, севги бор. Инсон борки, эзгулик бор. Революция доҳийси В. И. Ленининг ушбу сўзларини эсланг-а: «Севги ва революция ҳамиша ёнма-ёндир. Бу тушунчалар — баббаравар мусаффо, муқаддас тушунчалардир»...

— Бахтни ҳамма ҳар хил тушунади, кимларгадир менинг қўлтиқ таёқда юришим ўта бахтсизлик бўлиб туюлар экан, — деб ёнибсиз. Тўғри айтасиз, синглим, бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимларгадир бахт — олис-олис мавзиллар оша кўринади. Кимларгадир бахт бемеҳнат, шоҳона ҳаётда. Кимларгадир бахт чиройда, қадди-қоматда.

Совет кишиси тан олган чинакам бахт — бу меҳнатдадир. Бахт — шу биз яшаб турган беғубор, муқаддас диёрдадир. Бахт — орзу, умид, яхшиликка интилиш, яхшилик ёғи билан ўқиш, яшаш, меҳнат қилишдадир. Инсон дилида қанча қувончлар бор. Сизнинг дилингизда ҳам шу қувончларни кўриб турибман. Сиз ҳаётни, борлиқни, инсонларни севасиз. Сиз билимга ташнасиз. Лермонтовни, Бетховенни, Евтушенкони яхши биласиз, севасиз. Сизнинг рус ёзувчиси Владислав Андреевич Титов билан олиб борааётган ёзишмаларингиздан хабардорман. Ёзувчининг қийин ҳаёт йўллари билан танишсиз. Ёзувчининг бахти сизнинг ҳам бахтингиздек туюлади. Владислав Титов ижодинда Сизга юборган китоб муқовасига ёзилган ушбу сўзларни ўзингизга ҳавола қилмоқчиман:

«Қийинчилик, оғир кечималардан қўрқмаган одамлар бахтли эмас, шу қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш учун ўзида куч тополган кишилар чинакам бахтли кишилардир».

Мен бахтни мана шундай тушунишингизни истар эдим.

Мана, сиз балоғат, муҳаббат ёшидаги бир қизсиз. Ҳамён гўзалликлар яратиш орзусида, эл-юрт хизматида бўлиш орзусида, инсонларга, ажойиб замонамизга, Ватанга бўлган муҳаббатингизни куйлаш ҳақида орзу қиласиз. Бу — бахт эмасми?

Бу — бахт аталган мўътабар туйғунинг ўзгинасидир. Бахт — сизнинг гўзал қалбингизда, қайноқ муҳаббатингиздадир.

Бахтли замонамизда ҳар ким ўз орзусига албатта эришади. Чунки бошимизда Ленин қуёши, Октябрь қуёши порлаб турибди.

Эътибор ОХУНОВА.

„СЕНТЯБРЬ ОҚШОМИ“

Т. Шеваченко номидаги Козоғистон бадиий галереясида қардош қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг асарларига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмага қорақалпоқ рассомларининг кейинги йилларда яратган турли мавзулардаги 167 та асарлари қўйилган. Намойиш қилинаётган расмлар орасида таниқли рассом У. Тансиқбоевнинг мўйқаламига мансуб асарлар кўпроқ ўрин олган. Манзарали расмлар устасининг полотнолари томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Жумладан, «Зангори манзара», «Сирдарё», «Сентябрь оқшоми» бўёқларнинг ёркинлиги билан, кўзда тутилган мақсаднинг тўлақонлилиги билан кўпчиликни мафтун этмоқда. Бундан ташқари Узбекистон ССР халқ рассоми Н. Караханнинг, рассомлардан М. Курзин, Г. Никитин, А. Волков, О. Таатевосян ва бошқаларнинг асарлари ҳам санъатсеварлар эътиборида.

Г. МАРАЛБОЕВ.
Олмаота.

Спорт. Спорт. Спорт.

БОКС. Чехословакиянинг Устьна-Леба шаҳрида анъанавий халқаро турнир мусобақалари ўтказилди. Мусобақада иштирок этган тошкентлик ҳаваскор боксчи спорт мастери Р. Рисқиев учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, ҳал қилувчи финалда П. Типольдан енгилиб қолди. Боксчимиз кумуш медаль олди.

ВЕЛОПОЙГА. Каунас шаҳрида «Динамо» жамияти марказий совети биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. 50 километрлик йўл бўйлаб ўтказилган пойгада вакилларимиздан ангренлик М. Асқаров, В. Ярков ва олмаликлик С. Чеботарёвлар биринчи бўлишди.

ФУТБОЛ. Ўзбекистон кубоги учун курашаётган 20 командадан ҳозир 8 таси совриН иштиёқида мусобақани давом эттирмоқда. 7 ва 14 июль кунлари ўтказиладиган чорак финал ўйинларида «Мотор» (Гулистон), «Сплав» (Чирчиқ), «Меҳнат» (Маргилон), «Буревестник» (Наманган), «Металлург» (Олмалиқ), «Строитель» (Самарқанд) ҳамда Термиз ва Фарғона педагогика институти командалари ўзаро куч синашадилар.

БАСКЕТБОЛ. Мамлакат кубоги учун ўтказилаётган зонал мусобақалар давом этмоқда. ТошДУнинг арқаклар командаси Ўрта Осиё зонал мусобақасининг ярим финалига чиқиш учун Фрунзенинг «Политехник» коллективи билан учрашиб, 102:88 ҳисобида галаба қилди. Тошкент физкультура институтининг аёллари эса Қирғизистоннинг «Строитель» коллективи билан куч синашиб 65:58 ҳисобида ютуқни қўлга киритишди.

Ўзбекистон Ахборот

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

Колхоз «қалдирғоч»и

Хоразм областининг Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхозда янги ашула рақс ансамбли тузилган. «Қалдирғоч» деб юритилаётган бу ансамбль уч йилдирки ўз чиқишлари билан санъатсеварларни мамнун этиб келмоқда. Бугунги кунда республикамиз халқ талантларининг энг яхши коллективлари қаторидан ўрин олиб турибди. Ансамбль иштирокчилари ёқимли куй ва қўшиқлари, шўх рақслари билан мухлисларни мамнун этиб келаётганликлари учун ҳам юқори баҳо слишмоқда. Коллектив Узбекистон Комсомоли Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи, республика Маданият министрлигининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланган. Тошкент телевидениеси ансамблга бағишланган махсус телефильм яратган. Ҳаваскорлар коллективига республика халқ артисти К. Рахимов раҳбарлик қилмоқда. Репертуарига Хоразм халқ ўйинлари, достонларидаги қўшиқлар ҳам киритилган. Коллективда колхоз вальси муваффақиятли саҳналаштирилган. Колхоз «қалдирғочлари қаерда бўлишмасин ўз чиқишлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлишяпти.

Х. ХЎЖАЕВ.

Фарғоналиклар меҳмони

Қардош Қирғизистоннинг Ош область Киров номли ўзбек музикали драма театрининг ижодий коллективи Фарғонага ташриф буюрди. Ушлик санъаткорлар Фарғонада бир неча кун мобайнида ишчи-хизматчилар, пахтакор ва механизаторларга ўз санъатларини намойиш этадилар. Меҳмонларнинг томошабинлар билан биринчи учрашуви М. Горький номидаги область театри биносида ўтказилди. Ушлик меҳмонлар фарғоналик мухлисларга «Балон нафс», «Ҳаётнинг бошланиши», «Орзигул» каби спектакларни кўрсатишмоқчи.

Н. ОРТИҚОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ИИЛГИ 3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ 56-ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1973 йил 30 июндаЛенинград шаҳрида бўлиб ўтди. Заёмнинг ҳамма қирқ икки разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
100740	1—50	100	133804	40*)	500	165139	1—50	100
100747	36*)	500	133851	1—50	40	166242	21*)	1.000
101208	50*)	500	133928	1—50	40	166474	02*)	500
101950	1—50	100	134314	1—50	40	167514	1—50	40
103834	09*)	500	135424	12*)	500	168196	1—50	40
104088	24*)	500	135539	09*)	500	168459	24*)	2.500
105051	15*)	2.500	135604	25*)	500	168461	32*)	500
105211	1—50	40	136999	46*)	500	169024	34*)	500
105382	28*)	500	137461	48*)	500	170266	1—50	40
105430	11*)	500	137554	1—50	100	170461	1—50	40
105598	30*)	1.000	138228	09*)	1.000	171196	47*)	500
106719	41*)	500	138711	1—50	100	171470	26*)	500
107332	02*)	500	140497	06*)	500	171875	30*)	500
107591	1—50	40	140798	1—50	40	173135	32*)	500
107925	18*)	500	141230	1—50	40	173201	20*)	500
109065	1—50	100	142448	48*)	500	173823	05*)	1.000
111469	29*)	2.500	143957	1—50	100	174358	1—50	40
111487	23*)	500	144191	1—50	100	174858	1—50	40
112272	1—50	40	144880	03*)	500	175011	06*)	500
114285	02*)	500	144889	20*)	500	175762	01*)	500
114522	43*)	500	144935	18*)	500	176182	20*)	5.000
114666	20*)	500	145430	49*)	500	176290	13*)	500
115342	1—50	40	145585	16*)	1.000	176429	25*)	500
116409	1—50	40	146241	34*)	500	176592	48*)	500
118204	1—50	40	147515	47*)	500	176668	1—50	100
118480	11*)	1.000	148158	05*)	500	177298	39*)	500
118765	44*)	500	148417	27*)	1.000	177763	02*)	500
119226	32*)	1.000	148538	1—50	100	179012	1—50	100
119242	1—50	40	148539	49*)	500	179497	46*)	500
119751	09*)	500	148750	24*)	500	181527	25*)	500
119798	33*)	1.000	148807	16*)	500	181817	1—50	40
120134	1—50	40	148839	22*)	500	182404	1—50	40
120171	19*)	1.000	149971	42*)	500	183084	04*)	1.000
120246	44*)	1.000	150102	23*)	500	183098	1—50	40
120519	44*)	500	150346	1—50	100	183802	1—50	40
120522	28*)	500	151102	1—50	40	184982	28*)	1.000
121100	43*)	500	151162	10*)	500	186178	37*)	500
121465	50*)	500	151489	48*)	500	187926	1—50	40
122056	27*)	500	151595	48*)	500	188971	03*)	500
122153	50*)	500	151605	20*)	500	189547	02*)	500
122166	1—50	40	152390	1—50	40	190435	1—50	40
122514	17*)	500	152391	19*)	500	190796	18*)	500
123690	21*)	500	152535	16*)	500	191022	43*)	500
124603	24*)	500	153447	26*)	500	191547	43*)	500
124667	01*)	500	153520	1—50	40	191610	38*)	500
125009	1—50	100	154785	19*)	1.000	191660	25*)	5.000
125042	21*)	1.000	155957	20*)	500	192030	1—50	40
125584	1—50	40	156061	05*)	2.500	193126	35*)	500
126104	33*)	1.000	156256	13*)	500	194186	49*)	500
126586	1—50	40	156986	44*)	500	194295	13*)	500
128015	44*)	2.500	157584	31*)	500	194543	15*)	500
128314	36*)	500	158549	36*)	500	194830	39*)	1.000
129066	01*)	500	158626	46*)	500	195675	04*)	500
129266	19*)	500	158989	1—50	40	196650	25*)	500
130119	15*)	500	160230	02*)	500	196829	47*)	500
131037	1—50	40	160915	1—50	100	197599	1—50	40
131335	1—50	40	161074	12*)	500	197823	23*)	500
131356	16*)	500	161133	1—50	100	197975	14*)	1.000
132353	47*)	500	161165	15*)	1.000	198702	28*)	500
132508	16*)	500	161973	41*)	500	198779	20*)	500
132803	38*)	500	163393	44*)	500	199315	46*)	500
133036	1—50	40	164018	25*)	500	199635	17*)	500
			164842	37*)	500	199904	50*)	1.000

*Шу серидаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. А. ГОГОЛЕВ.

Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Кинопрограмма. 19.05 — «Ёшлик». «Х Бутунжаҳон ёшларнинг фестивали». 19.55 — Ахборот. 20.10 — «Узбекистон» тележурналининг 12-сони. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шашмақом (телевизион бадиий фильм). 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Олтин водий» программаси, ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.25 — «Бойчечак». 12.00 — Александр Невский (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. «Китоб дўкони». 19.15 — Концерт. 19.30 Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.00 — Телеочерк. 20.30 — «Музиканли учрашувлар» почтаси». 20.55 — Соллар чошгоҳда гойиб бўлди (бадиий фильмнинг 7-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Тошкенту кўргазма залларида бўйлаб. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.35 — «Ўқишга марҳамат». 19.55 — Дима Горининг мартабаси (бадиий фильм).

КИНО

КИШКИ ВИНОДА

Филлар — менинг дўстларим (2 серия)— НАВОИЙ номли, «КУКЧА», «ДРУЖБА», (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 4 ва кеч 8 яримда), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1 ва кеч 8 да), «УЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 3 да).

Гекумзе — «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (кеч соат 9 да).

Қонун қонунлигича (жуфт соатларда, Яхши жойлашибсан (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛИГИ».

Садоқат (эрталаб соат 11, кундуз 2 да), Испан қизлари Парижда (кеч соат 5, 7 ва 9 да) — ҲАМЗА номли.

Эчки шоҳи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Мангу севги — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Зулмат ичра йолдуз — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Лаутарлар — «УЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 9 яримда).

Тасодиф — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9.45 минутда).

ЁЗГИ ВИНОДА

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — КИРОВ номли.

Гекумзе — «ФЕСТИВАЛЬ».

Лаутарлар — «ХИВА».

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
7, 8 ИЮЛДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ВОКАЛ-МУЗИКАЛИ, ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛСАРА ЕҚУБОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Қадам ХЎЖАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Мавжуда БАХРИЕВА, Отамурод ХОЖИЕВ.

машҳур аскиячилар: Ижроқумбуза АМИНОВ, Мамарозиқ ИСҲОҚОВ, Ғоиббота ҒОШМАТОВ, Насриддин МИРЗАҲМЕДОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССР халқ артисти
ГАВҲАР РАҲИМОВА

Программани — Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.

Концерт кеч соат 7 да бошланади.

Билетлар концерт ўзи кассасида кундуз соат 2 дан сотилади

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ✦ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар—338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

№—157. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 04233.